Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

# ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*

**к договору (контракту) от 14.12.2022 г. № 53-9-132-MNQ/2022**

**между "Давр келажак Янгиер" МЧЖ и Янгиер шахар Махалла ва Нуронийларни кўллаб-кувватлаш бўлими на общую сумму 218000000,00**

Глава 259

Казначейский лицевой счёт 401722860244137011401259001

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4232200 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | 218 000 000,00 | | | 218 000 000,00 |
| **Всего за год** | **218 000 000,00** | | | **218 000 000,00** |

Всего 218000000,00 сум

Двести восемнадцать миллионов сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 65400000,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в _________ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика _______ (подпись) Назиркулов Рахмонкул Назиркул ўғли Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика _______ (подпись) Жураев Бахром Хатамназарович Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _______________ (подпись)

«___» _________________ 20___г.

Получил работник заказчика _______________ (подпись)

«___» _________________ 20___г.

14.12.2022 yil 53-9-132-MNQ/2022-son

# PUDRAT SHARTNOMASI

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Янги аср шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими номидан, Низом асосида иш кўрувчи бошлиқ Р.Назиркулов бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "Давр Келажак Янги аср"МЧЖ номидан, Низом асосида иш кўрувчи директор Ш.Ярлаканов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини тузадилар.

## 1. Таърифлар

I.Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

Қурилиш объекти-мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган объект.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик "Янги аср" кучаси 19-а уйда жойлашган "Фазилат" МФЙ биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича 218 000 000 ( Икки юз ўн саккиз миллион сўмни ташкил этади.

## IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофик "Ишларни бажариш жадвали"да назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

5. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари:

6. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 10 кун давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддати

7. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

8. Тендер натижаси бўйича аникланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

## VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

9. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида аванс ўтказади. бу **65 400 000** (олтмиш беш миллион тўрт юз минг) сўмни ташкил этади.

10. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш

жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 100% гача доирасида амалга оширилади.

11. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

12. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

13. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

14. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

15. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

**IX. Ишларини қўриқлаш**

16. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилишмайдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

17. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

**X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

18. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг

бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

19. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

20. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

21. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин амалга оширилади.

22. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

23. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан **5** кун олдин мазкур шартноманингV бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачигаушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

24. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

25. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

33. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

34. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

35. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"гиЎзбекистонРеспубликасиҚонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

36. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг **0.4** % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

37. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг **0.4** фоизи миқдорида жарима тўлайди.

38. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0.5** фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **50**фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0.5** фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50**фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

39. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек

26. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

27. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

28. Буюртмачи Пудратчи томонидан сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилган ишлар хажмини инвестордан маблағ ажратилгандан сўнг 3 кун ичида тўлаб беришни кафолатлайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиш

29. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

-ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчинингайби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

30. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

31. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

32. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

48. Мазкур шартнома Ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради, 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган **2** нусхада тузилади.

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

Буюртмачи: Пудратчи:

| | |
|---|---|
| **Янгиер шахар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими** | **"Давр Келажак Янгиер" МЧЖ** |
| Адрес: Янгиер ш. А.Навоий тор кўчаси,1-уй | Янгиер шахри. |
| Тел.67-350-31-23 | Тел. +99899 472-48-84 |
| Х/р 23402000300100001010 | Х/р 20 20 8000 200 656 953001 |
| ИНН 207 317 550 МФО 00414 | ИНН 304 240 197 |
| Марказий банк Тошкент ш. | ОКОНХ : 41201 МФО: 01037 |
| Ш.хр 401722860244137011401259001 | Банк: ККБ Янгиер шахри. |
| **Рахбар** Р.Назирқулов | Рахбар Ш.Ярлакапов |

| | | |
|---|---|---|
| | Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang. | |
| | Imzolovchi F.I.SH. | RAHMONQUL NAZIRQULOV NAZIRQUL O'G'LI |
| | Imzolangan sana | 14.12.2022 15:49 |
| | Hujjat kodi | **TT27176113** |
| | Hulosa kodi | **LU1104187521** |

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

LU1104187521

TT27176113

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **"Fazilat" MFY binosini joriy tamirlash uchun tuzilgan PUDRAT ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: YANGIYER TUMAN MAXALLA VA NURONIYLARNI QULLAB QUVVATLASH BO'LIMI tomonidan 14.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Yangier shahar yuridik markazi markaz rahbari:

U.Y.TOSHMUROTOV

14.12.2022

«ТАСДИКЛАНМАН»
Янгиер шахар Махалла ва нуронийларни
кўллаб-кувватлаш бўлими бошлиги
________ Р.Назиркулов
«____» декабр 2022 йил

Янгиер шахар Махалла ва нуронийларни кўллаб-кувватлаш бўлими танлов хайъати

## Б А Ё Н Н О М А С И

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги ЎРК 684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида"ги конунга асосан Янгиер шахар Маҳалла ва нуронийларни кўллаб-кувватлаш бўлими томонидан 2022 йил бюджет маблаглари хисобидан тўғри ва самарали сарф килиш учун ажратилган маблағни "Фазилат" махалла биносини жорий таъмирлаш учун ETENDER UZEX.UZ .портали оркали 2022 йил ___-____ куни танлов эълон килинган бўлиб, "PLANETA-GAMMA" , "DAVR-KELAJAK YANGIYER " ва " UMAR-NERUDNIK" **МЧЖ**лар иштирок этишди ва уларнинг таклифларига асосан таъмирлаш ишларини олиб бориш учун танловга кўйилган талаблар ва бюджет маблагларини самарали ва унумли фойдаланиш юзасида танлов ўтказилди ва куйдагилар аникланди.

| № | Белгиланган параметрлар номи | Белгиланган параметрлар | "PLANETA-GAMMA" MCHJ | | "DAVR- KELAJAK YANGIYER" MCHJ | | "UMAR-NERUDNIK" MCHJ | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Белгилан-ган бал | Кенгашчилар томонидан берилган бал | Белгилан-ган бал | Кенгашчилар томонидан берилган бал | Белгилан-ган бал | Кенгашчилар томонидан берилган бал |
| 1 | "Фазилат"маҳалла биносини жорий таъмирлаш | Ижрочи Узб.Рес курилиш вазирлигининг махсус электрон порталида сохавий курилиш пудрат ташкилоти рейтинги | 25 | 10 | 25 | 17 | 25 | 20 |
| | | Бажариладиган ишнинг сифати ва минимал муддатда бажарилиши бўйича иштирокчининг кафолати | 25 | 20 | 25 | 20 | 25 | 20 |
| | | Иштирокчининг охирги икки йилда амалга оширган ишлари тўғрисида маълумотлар | 25 | 15 | 25 | 15 | 25 | 20 |
| | | Шартномани бажариш учун зарур техник,молиявий,моддий,кадрлар ресурсларининг хамда бошка ресурсларнинг мавжудлиги | 25 | 15 | 25 | 25 | 25 | 10 |
| | Жами йиғилган баллар | | 100 | 60 | 100 | 77 | 100 | 70 |
| | Ўртача белгиланган бал | | 54 | | 69.3 | | 63 | |
| | Жами молиявий баллар | | 10 | | 9,85349 | | 9,78615 | |
| | Якуний баллар | | 64 | | 79,15349 | | 72,78615 | |

Юкоридаги жадвалдан келиб чикиб

ҚАРОР ҚИЛАДИ

Ушбу маблағларнинг самарали ишлатилиши учун Янгиер шаҳар Махалла ва нуронийларни кўллаб-кувватлаш бўлими танлов комиссияси аъзолари томонидан ETENDER.UZEX.UZ танловига кўйилган талабларнинг бажарилиши, томонларнинг белгиланган муддатларда эътироз билдирилмаганлигини хисобга олиб "DAVR- KELAJAK YANCIYER" МЧЖ нинг таклифи маъкул келганлиги, белгиланган муддатда ва сифатли бажарилишини инобатга олиб " DAVR- KEKAJAK YANGIYER " МЧЖ танлов ғолиби деб топилиши ва шартнома тузилиши максадга мувофик деб топилди

Комиссия раиси Р.Назиркулов
комиссия котиби: Ж.Рахмонов
Аъзолари Ю.Саматов
Б.Жураев
Д.Хамидов
Ш.Камалов
Ш.Гилявов

**202194 лот юзасидан шаклланган дастлабки баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана: 13.12.2022 16:34

Комиссия раиси: NAZIRQULOV RAHMONQUL NAZIRQUL O‘G‘LI

Молиялаштириш жадвали

Объект: Янгиер шаҳар Янги аср кўчаси 19-уйда жойлашган "Фазилат" маҳалла биносини жорий таъмирлаш

Пудратчи ташкилот: "DAVR-KELAJAK -YANGIYER" МЧЖ

| Молиялаштириш шартлари | Жами | 2022 йил | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | май | июн | июл | август | сентябр | октябр | ноябрь | декабр | |
| Шартнома бахосининг 30% микдорида аванс | 65 400 000 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 65 400 000 | |
| Бажарилган авансни кайтарган холда бажарилган ишларнинг 100% микдорида молиялаштириш | 152 600 000 | | | | | | | | 152 600 000 | |
| **Жами** | **218 000 000** | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | **218 000 000** | |

Буюртмачи:

Янгиер шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Р.Назирқулов

Пудратчи:

"DAVR-KELAJAK YANGIYER" MCHJ

## ГРАФИК ПРОИЗВОДСТВА РАБОТ

Объект: Янгиер шаҳар Янги аср кўчаси 19-уйда жойлашган "Фазилат" маҳалла биносини жорий таъмирлаш

**Пудратчи ташкилот: "DAVR-YANGIYER" МЧЖ**

| Наименование види работ | Ед.из | обём работ | Стоимост единицы обёма | октябр | ноябр | декабр | Всего стоимост |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Янгиер шаҳар Янги аср кўчаси 19-уйда жойлашган "Фазилат" маҳалла биносини жорий таъмирлаш | обект | 1 | 218 000 000 | 0 | 0 | 218 000 000 | 218 000 000 |
| **Жами** | | | **218 000 000** | **0** | **0** | **218 000 000** | **218 000 000** |

Буюртмачи:

Янгиер шаҳар Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш бўлими

Пудратчи:

"DAVR-KELAJAK YANGIYER" МЧЖ:____________

0368

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"DAVR KELAJAK YANGIYER" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"DAVR KELAJAK YANGIYER" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

11.08.2016 0121 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 304240197

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Sirdaryo viloyati, Yangiyer shahri, Б.МАШРАБ, 16, 1

Guvohnoma: Sirdaryo viloyati, Yangiyer shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)